O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

# O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

6 / 2017

# МУНДАРИЖА

## Адабиётшунослик

И.Ҳаққул. Толмас мунаққид ва нуктадон олим ........ 3
Т.Мирзаев. “Алпомиш” туркуми... ўттиз икки достондан иборатми? ........ 9
М.Жўраев. “Туркий халқлар астромифологиясида Ҳулкар юлдузи ........ 20

## Тилшунослик

Н.Маҳмудов. Илмий матн ва иқтибос ........ 30
Д.Лутфуллаева, Д.Худойберганова. Тилшуносликда лисоний шахс муаммоси ..... 35

## Илмий ахборот

Ҳ.Мирҳайдаров. “Жоми Жам” талмеҳи тарихига бир назар ........ 42
Ҳ.Абдуллаев. Шеърда вақт фалсафасининг бадиий талқинлари ........ 47
Қ.Эргашев. Гадо (Гадоий)нинг ҳаёти ва ижодига оид айрим янги маълумотлар ........ 51
Н.Муродий. Алишер Навоий “Хамса”си ва уйғур адабиёти ........ 55
М.Асадов. Таржеъбанд-соқийномаларнинг ўзига хос хусусиятлари ........ 60
М.Тожихўжаев. Ўзбек адабиётининг олмон тадқиқотчиси ........ 69
Ш.Каримова. Муҳсиний ижодида анъана ва ўзига хослик ........ 74
Д.Назаров. Ҳикояда инсон ва табиат муносабати тасвири ........ 80
З.Шукурова. “Қисаси Рабғузий”даги ҳикматли сўзлар таснифи ........ 86
Қ.Омонов. Эски туркий расмий матнлар дипломатикасининг қўшни мамлакатлар ҳужжатчилигига таъсири ........ 89
Ё.Одилов. Публицистик матнларда архаиклашган сўзлар ........ 93
М.Қурбонова. Болалар нутқида коннотациянинг ўзига хос хусусиятлари ........ 98
Ф.Усмонов. Қиёслашнинг олам лисоний манзараси шаклланишидаги ўрни ........ 103
О.Дадажонова. Истак гапларнинг прагматик хусусиятлари ........ 106
З.Муқимова. Ўткир Ҳошимовнинг бадиий матн яратиш маҳорати. ........ 109

## Фанимиз заҳматкашлари

М.Жўраев. Шомирза Турдимов ........ 113

## Танқид. Тақриз. Библиография

А.Мадвалиев. Араб-ўзбек луғатчилигининг улкан ютуғи ........ 117
Д.Салоҳий. “Йатимат ад-даҳр” асарининг тадқиқот услуби ҳақида ........ 121

## Мерос

О.Жўрабоев. Хон адабий меросига доир ........ 125
Хон. Ғазаллар. Мухаммаслар ........ 128

**Таянч сўз ва иборалар:** ҳикоя, мавзу, услуб, характер, адабий таъсир, бадиий маҳорат.
**Ключевые слова и выражения:** рассказ, тема, стиль, характер, литературное влияние, художественное мастерство.
**Key words and word exptessions:** story, theme, style, character, literary impact, literary skill.

Зилола ШУКУРОВА

# "ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ"ДАГИ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР ТАСНИФИ

Маълумки, ҳикматли сўзларнинг шахс камолотидаги ўрни беқиёс бўлиб, улар қадимда яшаб ўтган олиму адибларнинг маълум бир воқеа-ҳодисанинг сабаб-натижасини лўнда, қисқа ва аниқ ифодалаган пурмаъно фикрлар ҳосиласидир. Ҳикматли сўзлар тарихан бир шахсга тегишли бўлса-да, истеъмолга киргач, тез орада халқ мулкига айланади. Шу жиҳатдан улар халқ мақолларига яқин туради. Носириддин Рабғузий ҳам "Қисаси Рабғузий" асарида[1] образлар характери, ташқи қиёфасини чизишда ҳаёт, турмуш, инсонлар ҳақидаги кўп йиллик билим ва кўникмаларига асосланади. Ўз навбатида, бу кузатиш ва таҳлиллар самараси ўлароқ Рабғузий ҳикматлари юзага келди ва уларда ҳаёт ҳақидаги чуқур донишмандона қараш етакчилик қилади. Муаллиф қиссада ранг-баранг мавзудаги ҳикматлардан намуналар келтиради – уларнинг айримларини халқ орасидан олган бўлса, баъзилари кўп йиллик ижодий, илмий кузатишлари самарасидир. Шу сабабли қиссадаги ҳикматлар мавзу доирасига кўра қуйидагича туркумланди: 1. Диний мавзудаги ҳикматлар. 2. Фалсафий мазмундаги ҳикматлар. 3. Тарбиявий характердаги ҳикматлар.

**Диний мавзудаги ҳикматлар.** "Қисаси Рабғузий" бадииятида диний мавзудаги ҳикматларнинг ўрни катта. Пайғамбарлар фаолияти асосида берилган ҳикматлар бирор шахс хатти-ҳаракати ёки воқеа-ҳодиса муносабати билан айтилган бўлса-да, мазмунан барчага тегишли бўлади. Персонажлар нутқи ва характери фақат ўша образгагина тааллуқли бўлмай, у орқали инсонлар орасида мавжуд иллат ва хусусиятлар очиб берилади. Масалан, қиссада шундай ҳикмат келтирилган: "Адл қилган кофир бирла мулк боқий қолур, зулм қилган кофир бирла мулк боқий қолур, зулм қилган мўмин бирла мулк боқий қолмас" (1, 62). Мазкур парча Иброҳим (а.с)нинг бутларни синдирганда Намруднинг унга нисбатан холис ва адолатли ҳукм чиқариши муносабати билан келтирилган. Ҳикмат "Аймишлар" зачини орқали берилади. Бундан кўринадики, у Рабғузий қаламига мансуб эмас. Уни ижодкор ўз даврининг ёки ўша давргача яшаган машҳур шахслар ижодидан олган бўлиши керак. Ҳикмат уч мустақил фикрдан иборат.

Биринчи қисмда нега "Адл қилган кофир бирла мулк боқий қолур" фикри келтирилган? Ҳар бир шахс, ҳаттоки у кофир бўлса-да, адолат мезонига бўйсунса, ички ҳис-туйғулар, шахсий хусуматлар гирдобига берилмаса, умрининг охиригача тинч-фароғатда яшайди. Ҳикматнинг иккинчи қисми

[1] Носириддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-2-китоблар. Тошкент: Ёзувчи, 1990–1991. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

биринчи айтилган фикрга зиддек гўё. Яъни “Зулм қилган кофир бирла мулк боқий қолур”. Ҳақиқатда ҳам, ёзувчининг иккинчи фикри мантиқан нотўғри. Сабаби, барча диний адабиётларда берилган, ҳаётий тажрибада синалган исбот – асоссиз етказилган зулм кишини эл орасида ҳурматсиз ва шарманда қилади. Назаримизда, китобни кириллчага табдил қилиш асносида хатолик кетган. Чунки ижодкор мазкур умуминсоний ғояни мустаҳкамлаш мақсадида қиссада Қуръони каримдан олинган “Қамо қила: Ал-мулку йабқо би ал-адли маъа ал-куфри ва ло йабқо биал-жури маъа ал-имани”, яъни “Ҳамчунонки дебдурлар: “Давлат адолат билан қоим бўлади агарчи дор ул-куфр бўлса ҳам ва давлат жабру зулм билан ҳеч қачон боқий қолмайди, агарчи имонлик одам қўлида бўлса ҳам” (1, 62; 193) оятини ҳам келтирганки, бу юқорида айтилган фикримизни янада тасдиқлайди. Бу оятда ҳам салтанат фақат адолатли шоҳ қўлидагина куч-қудратли давлатга айланиши уқтирилган. Агар қайсики шоҳ юрт бошқаришда ақл ва адолат мезонига бўйсунмас экан, у қанчалик иймон-эътиқодли бўлмасин, тожу тахтидан бир зумда мосуво бўлади. Ҳақиқатда ҳам, ислом оламида картовнинг дилини оғритиш, зиғирдек бўлса-да унинг ҳақига хиёнат қилиш, асоссиз ҳақоратлаш, кўнгил ишига берилиб жазолаш қаттиқ қораланган. Бу каби азалий қоидаларга амал қилмаган ҳар қандай киши инсон деб аталмиш буюк номга нолойиқ ҳисобланиб, Оллоҳ таоло ундай бандаларни қаттиқ жазолаши барчага маълум. Демак, Рабғузий келтирган ҳикмат ва ёзувчининг Қуръони каримдан олинган ояти – ҳар иккиси солиштирилса, уларда бир хил мазмун ифодаланган. Бундан кўринадики, Рабғузий келтирган ҳикмат Қуръони карим оятидан илҳомланиб яратилган ҳикмат экан.

“Одамийнинг нафси қилган ишни етмиш шайтон қилмаслар” (1, 139). Ҳикмат Зулайхонинг Юсуф (а.с)га нафсибузуқлик қилиб, туҳмат қилиши муносабати билан берилган. Нафс – инсонни икки дунёда шарманда қилувчи иллат. У инсоннинг шахсий манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиб, турли ҳолатда ва турфа шароитда фақат ўзи учунгина ҳаракат қилиш ҳолатида акс этади. Ушбу ҳикматда Зулайхонинг шаҳвоний баднафслиги тасвирланиб, бу йўлда Юсуф (а.с)ни қурбон қилиши лавҳасида тасвирланган. Демак, нафс – зарарли иллат. Унга қарам бўлган инсон эса одамийлик қиёфасини йўқотган маънавий тубан шахсдир.

Қиссада Рабғузийнинг диний мавзудаги ҳикматлари талайгина бўлиб, уларда шахс камолотида инсоний фазилатлар устунлиги тараннум этилади ва образлар тилидан очиб берилади. Жумладан: “Тишиларнинг макри-кайди шаҳват бирла улуғ турур, аммо шайтон макри Оллоҳ зикри била заиф турур” (1, 128); “Одам ўғли тамуғдин қўрқар эркан, ёвузлуқ қилур” (2, 22); “Одамийнинг нафси қилган ишни етмиш шайтон қилмаслар” (1, 139).

**Фалсафий мазмундаги ҳикматлар.** Рабғузий ҳикматларида ифодаланган фикрлар барча даврга тегишли бўлиб, ўз моҳиятини сира йўқотмайди. Ёзувчи ҳикматларида буюк ҳақиқат уфуриб, уларда турмуш синовларидан ўтган, ҳаёт ҳақидаги олтин қоидаларга эга нуроний олим гавдаланади. Масалан, унинг “Мавло таоло қамуғ дунё мулкин берди. Анинг бирла тўймассен. Қачон лаҳадга кирсанг, бир овуч тупроқ бирла тўярсен” (2, 95) ҳикматида чуқур фалсафий мазмун мужассам. У ижодкорнинг умри давомида турли табақадаги, турфа характердаги одамларни кўриб, кузатиб, улардан

тарбиявий ва ибратли хулоса чиқариши натижасида юзага келган. Ҳикмат Хизр ва Искандар Зулқарнайн диалогида Хизр тилидан айтилган. Маълум бўлишича, Искандар Зулқарнайн бутун дунёни эгаллаган шоҳ ҳам саркарда. Ёзувчи Искандар Зулқарнайнни нариги дунё чегарасидаги ерларгача забт этган жаҳонгир подшоҳ сифатида тасвирлар экан, Хизр образи воситасида унга азалий ва абадий ҳақиқатни англатади. У саркарданинг қанчалик шон-шуҳратли ва қудратли бўлмасин қачондир ўткинчи ҳаётни тарк этишини, елдек ўтадиган умрини мудом қийинчилик ва хавотирда ўтказиб, умр бўйи тўплаган жамики мол-давлатидан бир мисқолчалик олиб кетолмаслиги айни ҳақиқат эканлигини тушунтиради. Бироқ инсон табиатига хос очкўзлик, манмансираш, бесабрлик кўзларни басир қилиб, ҳақиқатни англашга халақит беради. Рабғузийнинг мазкур ҳикмати ўзини ҳаётий далиллар билан оқлагани боис макон ва замон муносабатига кўра ўз аҳамиятини йўқотмаган. У ҳозирги кунда сўзма-сўз ишлатилмаса-да, ўзининг асл мағзини сақлаб "Инсон кўзини тупроқ тўйдиради", "Кўз тупроққа тўяр" шаклида мақолга айланиб улгурган. Демак, Рабғузий ҳикматлари замон ва макон жиҳатидан чексизликка эга паремик тур бўлганлиги сабабли унинг баъзи турлари қисқариб, мақол шаклида оғзаки ва ёзма нутқда сақланиб қолган экан. Қиссада шунга ўхшаш ҳикматлар кўп. Жумладан: "Қуллуқ боғ боғланган бўюнға буғмоқ не керак" (1, 115); "Минг турлук бало одам ўғлонларига ү... иш қилмаским, бир соат очлиқ қилур, яна минг шайтон одам ўғлонларига ани қилмаским бир соат тўқлуқ қилур" (1, 154); "Эрнинг етти ёшинда тиши тушар, ўн беш ёшида расида бўлур, йигирма бир ёшға теги бўйи ўсар, қирқ ёшға етса аъло ақли камол" (2, 120); "Ўт ўғри турур, қаю нарсани ўтқа берса йўқ қилур" (1,21).

**Тарбиявий мазмундаги ҳикматлар.** "Қисаси Рабғузий"да тарбиявий аҳамиятга эга ҳикматлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Бу хилдаги афоризмларда воқелик ижодкорнинг ўз нигоҳи билан кўрган, ҳаёти... тажрибасида синаган тарбиявий хулосаларининг умуминсоний аҳамияти... моликлиги билан диққатга сазовордир. Масалан, қиссада "Зинҳор ки... эрсани ёвузламағил, ул ҳам сени ёвузламасун" (1, 18) ҳикматини олса... У Юсуф ва Зулайхо можаросида Зулайхонинг номаъқул хатти-ҳаракати... жавобан ижодкор тилидан келтирилган. Ёзувчи ҳикматда ифодаланга... фикрни бошидан кечирган ва амалда натижасини ҳам кўрган. Инсонларни... бир-бирига нисбатан ўзаро хусумат сақлаши, энг аввало, унинг ўзи... жиддий зарар етказишини ёзувчи билади. Шу сабабли ҳикматнинг биринч... қисмида айтган фикрини иккинчи қисмда аниқлаштиради. Яъниким, "... ҳам сени ёвузламасин" хулосаси орқали ҳар қандай ёмон ишнинг жаво... борлигини уқтиради. Умуман олганда, табиат асли "Нима эксанг, шу... ўрасан" қабилида тузилган бўлиб, инсон томонидан бажарилган ҳар қанд... иш у қандай моҳиятда бўлмасин, албатта, унинг натижасини кўради. Ана ... буюк ҳақиқатни англаган истеъдод соҳиби китобхонни зарарли одатлард... қайтариб, яхшилик томон етаклайди.

Рабғузий ижодидаги тарбиявий ҳикматлардан яна баъзиларини қуйи... ҳавола этамиз: "Ёт қуртқани эвга киргузмак керакмас. Агар қаю эвга кир... бузмай чиқмас" (1, 121); "Ўз ёзуқингни ўзгага юкламағил" (1, 128).

олганда, Рабғузий ҳикматлари миллий педагогиканинг ривожи
ухим бўлиб, шахс тарбиясида ижобий самара берувчи омиллардан
Қадимдан синалган ва ҳаёт чиғириқларидан ўтиб, ҳар қандай
а эшитувчига тўғри хулоса чиқаришда ёрдам берувчи ушбу
бир томондан, ёзувчини олим ва оқил шахс сифатида тасвирласа,
омондан, тарбия жараёнида аждодларимизнинг ўгити, панд-
ан фойдаланиш шахс камолотида, ўқувчини маънавий баркамол
атида шакллантиришда нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Е. Мақолада "Қисаси Рабғузий"даги ҳикматли сўзлар диний, фалсафий,
авзуидаги ҳикматларга ажратилиб тасниф қилинади.
Е. В статье классифицированы изречения в "Кисаси Рабгузий" на следующие
е группы: изречения на религиозную, философскую, воспитательную тему.
E. In this paper classified the wisdom words of "Kisasi Rabguzi" to the wisdom
gious, philosophic and educational theme.

ўз ва иборалар: ҳикмат, ғоя, фикр, тасниф.
ые слова и выражения: изречение, идея, мысль, классификация.
ds and word expressions: wisdom, idea, opinion, classification.

Қудратулла ОМОНОВ

# ЭСКИ ТУРКИЙ РАСМИЙ МАТНЛАР
# ІЛОМАТИКАСИНИНГ ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАР
# ҲУЖЖАТЧИЛИГИГА ТАЪСИРИ

й матн аниқ бир мақсадни амалга ошириш учун бир чизиққа
и – у доимо бир хил, турғун кўринишда намоён бўлади. Шунинг
изим сифатида ўз мазмуни ва ўзгармас матн компонентларига
ланган хабар сифатида намоён бўлади. Расмий матннинг ана шу
ига таяниб, фанда дипломатик[1] ёндашув усуллари кўмагида унинг
ари, ажралмас компонентлари таҳлил этилади.

,авлатчилиги тарихида яратилган ҳужжатлар дипломатикасининг
асослари кенг планда, яхши ўрганилган. Шарқ мамлакатлари,
, туркий тилда битилган девон-маҳкама идораларидан чиққан
арни ўрганиш, нашр этиш кўп йиллик тажрибага эга бўлишига
уларнинг тузилиши, ички бўлаклари, матн компонентлари ва
млакатлар дипломатикасига таъсири масаласи чуқур текширилган
ибу йўналишда бажарилган айрим тадқиқотларни санаб ўтиш
Улар сирасига санкт-петербурглик тарихчи А.П.Григорьевнинг
ьская дипломатика XIII–XV вв." монографияси ва қозонлик
М.А.Усмановнинг "Жалованные акти Джучиева Улуса XIV–XVI вв."
амда туркиялик тадқиқотчи Малак Ўзетганнинг "Altın Ordu, Kırım
sahasına ait yarlık ve bitiklerin dil ve üslüp incelemesi" илмий иши

[1] ихнинг ёрдамчи фанлари сирасида алоҳида ўрин тутувчи ушбу соҳа расмий
нг ички қуруми, шакли ва мазмунини ўрганади. Дипломатика фанининг келиб
йўналишлари ва объекти тўғрисида тўлиқ маълумот учун қаранг: [http://dic.
u/dic.nsf/bse/84678/Дипломатика].